

4-мавзу. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

Асосий саволлар:

1. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий- меъёрий асосини ташкил қилувчи ҳужжатлар тизими, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати
2. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги сиёсати билан мувофиқлаштириш.
3. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид халқаро шартномалар.

Таянч сўз ва иборалар

Меҳнат муҳофазаси, конституция, қонун, ҳуқуқ, зарарсизлик, социал натижалар, давлат сиёсати, касбий касалликлар, йўриқнома, низом, жавобгарлик.

1. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий- меъёрий асосини ташкил қилувчи ҳужжатлар тизими, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (8 декабр 1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (21 декабр 1995 й.), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун» (6 май 1993 й.), ЎЗР Президентининг фармойишлари, давлат ҳокимиятининг ижрочи органлари қарорлари, Давлат стандартлари, низомлар ва норматив ҳужжатлар, хавфсизлик техникаси бўйича қоидалар асосида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдан кучга кирган Конституцияси ҳар бир фуқаро учун шахсий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни кафолатлаб берди. Конституциянинг 37-моддасида ҳар ким меҳнат қилиш, ишни эркин ҳолда танлаш, меҳнатнинг адолатли шартларини талаб этиш ва ишсизликдан қонун билан белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган.

Давлат сиёсатининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий йўналиши-ишловчининг ҳаёти ва соғлиғи ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан устивор эканлигини қонун йўли билан эълон қилинишидан иборат. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси бўйича фаолиятларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш ҳам шу йўналишнинг ажралмас бир бўлагидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 1 апрелда кучга кирган Меҳнат кодекси ишловчилар, иш берувчилар ва давлат манфаатларидан келиб чиқиб, меҳнат ҳақидаги қонунчиликни, адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларини, ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғини сақлаш тартибларини белгилаб берган.

Меҳнат кодексининг 30 дан зиёд моддаси меҳнат муҳофазаси масалаларига бағишланган. Хусусан:

- меҳнат муҳофазаси талабларини белгилаш;

- хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини таъминлаш;
- меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва йўриқномалар ўтказиш;
- ноқулай меҳнат шароитларида, айрим хусусиятли ишда банд бўлган ишловчиларга ва 18 ёшга тўлмаганларга иш вақтини чегаралаш;
- ногиронларни турли ишларга жалб қилиш шароитлари;
- ишловчиларни сут, даволовчи профилактик озукалар, индивидуал ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш;
- бахтсиз ходисларни ҳисобга олиш ва назорат этиш, меҳнат шароитини назорат этиш.

Давлатнинг меҳнат муҳофазаси соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятига қўядиган талаблари қуйидаги принципларга таянади:

- меҳнат жараёни хавфсиз ва соғлом ишлаб чиқариш муҳитида кечиши керак;
- меҳнат шароитлари меҳнаткашларнинг фаровонлиги ва инсоний кадр-қиммати билан мос келиши шарт;
- меҳнат шахс ўз-ўзини ривожлантиришига ва жамиятга ҳизмат қилишига имкон очиб бериши керак.

Бу мақсадларга эришиш учун ўзаро боғланган воситалар мажмуасидан фойдаланилади. Мажмуага халқаро меҳнат меъёрлари, тадқиқот ишлари натижалари, ахборотни йиғиш ва тарқатиш, техник ҳамкорлик киради.

Республика ҳукуматини меҳнат муҳофазаси бўйича олиб бораётган ишлари Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг конвенциялари ва тавсияларига асосланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат муҳофазаси ҳақида” қонуни давлат сиёсатининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги принциплари ва йўналишларини (ишловчилар, иш бажарувчилар, касаба уюшмалари ва бошқаларнинг ўзаро муносабатлари) ўзида акс эттиради. Улар ХМТнинг № 115 “Ишлаб чиқариш муҳитида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳақида” ги конвенциясида баён этилган.

Республика Конституциясининг 37-моддасини ривожлантириб, Олий мажлис 1993йил 6 майда, биринчи қонунчилик актлари қаторида “Меҳнат муҳофазаси ҳақида” Қонун қабул қилди. У ҳар қандай мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика тадбирлари, меъёрий таъминлаш каби фаолиятдаги ҳуқуқий асосларни кўрсатиб берди.

Мазкур қонунга биноан давлатнинг меҳнат муҳофазаси бўйича сиёсати қуйидаги принципларга асосланади:

- ишловчининг соғлиғи ва ҳаёти корхона фаолиятининг натижаси олдида устувор;
- меҳнат муҳофазаси соҳасидаги фаолиятни ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;

- мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳамма корхоналар учун меҳнат муҳофазаси бўйича ягона талаблар қўйиш;
- экологик хавфсиз меҳнат шароитлари билан таъминлаш ва иш ўринларида атроф-муҳит ҳолатини мунтазам назорат қилиш;
- корхоналарда меҳнат муҳофазаси талаблари бажарилишини назорат қилиш;
- меҳнат муҳофазасини молиялашда давлатнинг иштироки;
- олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш;
- хавфсиз техника, технологияларни ва ишловчиларни ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқишни ва жорий қилишни рағбатлантириш;
- меҳнат муҳофазаси бўйича мамлакат ва чет элларнинг фани ва техникаси ютуқлари ва илғор тажрибаларидан кенг фойдаланиш;
- ишловчиларни махсус кийим, пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озуқалари билан бепул таъминлаш;
- корхоналарда хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратишга кўмаклашадиган солиқ сиёсатини юргизиш;
- ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодисани ва касб касаллигини ҳисобга олиш ва тафтиш этиш шартлиги ва шулар асосида аҳолини ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касаллиги ҳақида хабардор қилиш;
- ишлаб чиқаришда жароҳат ва касб касаллиги олган ҳар бир ишловчини ижтимоий ҳимоялаш;
- касба уюшмалари ва бошқа бирлашмалар, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратилган фаолиятларини ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш;
- меҳнат муҳофазаси муаммоларини ҳал қилишда халқаро ҳамкорлик.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида “Ҳар ким малакали тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эга” дейилган. Республиканинг 1996 йил 14 сентябрда кучга кирган. “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳақида” қонунда соғлиқни сақлашнинг асосий принциплари кўрсатилган, улардан энг муҳимлари:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш;
- тиббий ёрдамнинг аҳолининг ҳамма қатламларига очиқлиги;
- профилактик тадбирларнинг устуворлиги;
- меҳнатга лаёқатлиликни йўқотган ҳолда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланиши;
- назария ва амалиётнинг ягоналиги.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2000 йил 6 июнда, ҳамма иш берувчилар учун мажбурий бўлган, 300-сон буйруқ чиқариб, меҳнат шароитлари зарарли ва ноқулай бўлган ҳолда ишга қабул қилинаётганларни дастлабки кўрувдан ўтказиш ва кейин вақти-вақти билан такрорий кўрувдан ўтказиш тартибини жорий қилди.

Бундан ташқари зарарли ва хавфли омиллар бўйича санитария меъёрлари ва қоидалари (СанПиН), гигиеник меъёрлар ЧРЭМ ва ЧРЭД (русча ПДК ва ПДУ) ишлаб чиқилган ва жорий қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг Қарорига мувофиқ меҳнат муҳофазаси бўйича қонунлар ва меъерий ҳужжатлар бажарилишини Давлат назоратига олиш вазифаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги (Вазирлар Маҳкамасининг № 538, 07.11.1994 й. қарори) саноатда ишларни хавфсиз юритилишини назорат этувчи ва тоғ назорати Агентлиги (Вазирлар Маҳкамасининг № 130. 07.04.2000й. қарори) зиммасига юкланган. Бундай вазифани ўз ваколати даражасида Давлатсанэпидемназорати (Давлат назорати ҳақидаги қонун 1992 йил 3-июлда қабул қилинган), Давлатёнгинназорати, Давлаттабиатмуҳофазаси қўмитаси ташкилотлари ҳам бажаради.

Нозирлик ваколатлари тегишли вазирликлар ва муассасалар тасдиқлаган Низомларда кўрсатилади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги, саноатда ишларни хавфсиз юритилишини назорат этувчи ва тоғ назорати Агентлигида, Табиатни асраш Давлат қўмитасида меҳнат муҳофазасининг техникавий масалалари билан шуғулланувчи нозирлар бор. Вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманларида меҳнат, аҳолининг бандлиги ва ижтимоий ҳимояси бўйича шўьбалари бор.

Меҳнат муҳофазасининг қонунлари ва меъерий ҳужжатлари бажарилишини жамоат томонидан назорат қилишини меҳнат коллективлари ва касаба уюшмалари амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида меҳнат ҳақидаги Қонунлар аниқ ва бир хилда бажарилишини Республика Прокуратураси назорат қилади (ЎЗР меҳнат Кодексининг 9-моддаси).

Меҳнат муҳофазаси Давлат бошқаруви ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. “Меҳнат муҳофазаси ҳақида”ги қонун ва меҳнат Кодексига мувофиқ корхоналар меъерий талабларни бузгани учун жавобгар, бу ишда айбдор раҳбарлар ёки назорат органлари ишига тўсқинлик қилган шахслар интизомий, маъмурий ёки жинсий жавобгарликка тортилади, корхонанинг бошқа ходимлари ҳам тегишли тартибда жавобгарликка тортилади.

2. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги сиёсати билан мувофиқлаштириш.

Меҳнат шароитининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга яъни, меҳнаткашларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва жамоат фаоллигини оширишга олиб келади.

Меҳнат кодексининг 13-боби 215-моддасида қуйидагилар таъкидланади: ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни

муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларини таъминлаши ва уларнинг билимларини текшириб туриши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш таъқиқланади.

Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларининг ишчи-ходимларига, давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларда, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари борасидаги ишларни назорат қилиш шу корхоналарнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилган ва улар ушбу соҳа бўйича жавобгар шахс ҳисобланадилар.

Корхоналарда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитларини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунларида ёзиб қўйилган.

Маъмурият таркибига раҳбар ходимлар, яъни хўжалик ишлари билан шуғулланувчи, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришдаги ходимларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимооти ва зарурий техник тадбирларга ишлатиш ва уни назоратини олиб борувчи шахслар киритилади.

Маъмурият ходимларининг хавфсиз ва соғлом иш шароитларини ташкил қилиш талаблари ҳамда мажбуриятлари шундан иборатки, улар хавфсизликни таъминлаш давлат сиёсати ва уни сўзсиз амалга ошириш давлат ва халқ манфаатларини яхши тушунган бўлишлари, хавфсиз меҳнат шароити тартибини сақлай билишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатланиш, иш унумини ошириш даражасини бир неча ўн йил олдиндан кўра билувчи шахс бўлиши лозим. Ундан ташқари маъмурият зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар асосини, ишчилар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимидир. Меҳнат битимини тузиш мажбурияти Ўзбекистон Давлатининг Меҳнат вазирлиги томонидан белгиланган бўлиб, қонуният сифатида қуйидагича таҳлил қилинади. Ишчилар маълум мутахассисликлари бўйича белгиланган ишларни, ушбу корхонанинг ички тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда бажаришни таъминлаш, маъмурият ўз навбатида меҳнат қонунлари асосида ва жамоат битимида кўзда тутилган маъмуриятга тегишли мажбуриятларни сўзсиз бажаришни ўз зиммасига олади.

Меҳнат қонунларида кўзда тутилган мажбуриятлар асосини қуйидагилар ташкил этади: ҳар бир ишчи, ҳизматчини мутахассислиги ва малакасига қараб маълум машина, жиҳоз ва бошқалардан иборат иш жойларида, соғлом ва хавфсиз иш шароити яратиш мақсадида, сифатли иш қуроллари, махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш; меҳнат интизомини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш; ишчиларни - ходимларни иш шароитларини кундан-кунга яхшилаб боришни таъминлаш мақсадида зарур техник жиҳозлар ўрнатиш; уларни доимий таъмирлаб

туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чоратадбирларини амалга ошириш кўзда тутилгандир.

3. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид халқаро шартномалар

Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва фуқаролари халқаро шартномалар ва битимлар асосида ишларни бажараётганларида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уларда кўзда тутилган талаблар агар, ўзгача шартлашилмаган бўлса, ушбу Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунларига мувофиқ қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаётган чет эл фуқаролари учун меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари манфаатдор томонларнинг ўзаро битимлари билан белгилаб қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналиши-ишловчининг ҳаёти ва соғлиғи ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан устиворлигидадир ва бу қонун йўли билан мустаҳкамланган.

Назорат учун тест топшириқлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган сана.

- А) 15. 05 1990 йил.
- *Б) 8. 12. 1992 йил
- В) 10. 02. 1993 йил.
- Д) 20. 06. 1994 йил.

2. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонун нечта боб ва моддадан ташкил топган.

- А) 3 – та боб ва 15 та моддадан.
- Б) 4 – та боб ва 21 та моддадан.
- *В) 5 – та боб ва 29 та моддадан.
- Д) 10 – та боб ва 40 та моддадан.

3. Ўзбекистон давлатининг “Меҳнат қонунлари кодекси” нинг XI боби нималар ҳақида ёзилган?

- А) Ёшлар меҳнати ҳақида.
- Б) 18 ёшга тўлмаган ходимларнинг меҳнат лари ҳақида.
- *В) Аёллар меҳнати ҳақида.
- Д) 18 ёшга тўлмаган ходимларнинг татил бериш ҳақида.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси” нинг 211-модаси, меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари нималардан иборат?

А) Хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиб бериш иш берувчи мажбуриятига киради.

Б) Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва техник стандартлар билан белгиланади.

В) Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

*Д) Ҳамма жавоб тўғри.

5. Меҳнат фаолияти билан юз берган ҳодисалар, ходимлар саломатлигини текшириш ва ҳисобга олиш қандай асосда амалга оширилади?

*А) Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июлдаги 286-сон қарорида тасдиқланган Низом асосида,

Б) Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 96 сон қарорида тасдиқланган низом асосида.

В) Меҳнат Вазирлигининг 2000 йил 10 октябрдаги 103 қарорида тасдиқланган Низоми асосида.

Д) Касаба уюшмаларининг муайян даврдаги тасдиқланган қарори асосида.

Уйга вазифа

Қуйидаги саволларга жавоб ёзинг.

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

2. Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг ҳуқуқий асослари қайси қонунларни ўз ичига олади ва уларнинг долзарлигини ўргатувчи мавзуларга мисол келтиринг.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси IX-бобининг 37; 38; 39 ва 40 моддаларида нималар ҳақида ёзилган деб ўйлайсиз?

4. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг асосий моҳияти нимада?

5. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат қонунлари кодекси” ҳақида нималарни биласиз?

6. “Меҳнат кодекси” нинг XII ва XIII боблари нималарни ўргатади?

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. “Меҳнат Кодекси”. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 2005 й., 37-38 - сон.
3. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - Т.: 2002 й.; 1-сон.
4. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг қарори № 286, 06.06.1997,-Т.: 1997.

5. “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон.
6. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, -Т.: 2009 й., 16-сон.
7. “Санитария назорати тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 2006 й., 41-сон.
8. “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 2007 й., 40-сон.
9. Ў. Йўлдошев, У. Усмонов, О. Қудратов Мехнатни муҳофаза қилиш меҳнат 2001й.
10. «Основы инженерной психологии», под ред. Ломова Б.Ф. М. «Высшая школа».
11. «Безопасность жизнедеятельности». Под общей ред. проф. Белова С.В., М., «Высшая школа», 2000.
12. Кукин П.П. и др. «Безопасность технологических процессов. Охрана труда» М. «Высшая школа», 2000.
13. Қудратов О.Қ., Ғаниев Т.А., Сосновский Ю.С. “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги”, маърузалар матни, ТТЕСИ, 2000.